ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1243-1247

БАСКЕТБОЛ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШДА МУСОБАҚА ҚОИДАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

А. И. Султонов
Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Баскетбол мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказишда муҳим бўлган мусобақа ўйин қоидалари ва тарихи юзасидан анкета сўровномаси ўтказилиб берилган нотўғри саволларга асосли тўғри маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Четлаштириш, фол жарима тўпини ташлаш, тайм-аут, баҳсли тўп, қўшимча вақт, ўйин вақти, ҳужум, симуляция.

ABSTRACT

In this article, the questionnaire on the rules and history of the competitive game, which is important in the organization and conduct of basketball competitions, provides fundamentally correct information on the wrong questions.

Keywords: subtraction, tarot throws a beautiful ball, time-out, disputed ball, extra time, game time, attack, simulation.

КИРИШ

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун бир қатор Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан 2020-йил 30-октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли фармонлари бунга яққол мисолдир. Қабул қилинган фармон ва қарорлар аҳолини саломатлигини мустахкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш ҳамда ривожлантиришда асосий омил бўлиб келмоқда.

Долзарблиги. Баскетбол ўйинида мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказишда ўйин қоидаларини тўлиқ билмаслик мусобақани адолатли ўтишига тўсқинлик қилиб турли тортишувларга сабаб бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотнинг мақсади. Жисмоний маданият таълим йўналишининг профессор-ўқитувчилари ўртасида мусобақа қоидалари, баскетбол ўйинининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1243-1247

тарихи бўйича сўровнома ўтказиб, мусобақа қоидаларини билиш даражасини аниклаш ва камчиликларини бартараф этишда услубий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Баскетбол ўйини бутун дунёда ва бизнинг Ўзбекистонда ҳам оммавий спорт турларидан бири бўлиб ёшлар ўртасида севиб ўйнайдиган спорт тури ҳисобланади. Баскетбол бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказишда ўйин қоидаларини тўлиқ билмаслик мусобақани адолатли ўтишига тўсқинлик қилиб турли тортишувларга сабаб бўлишини инобатга олиб Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний маданият” кафедраси профессор-ўқитувчилари ўртасида Баскетбол мусобақа қоидаларига ва тарихига оид тезкор сўровнома ўтказдик.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Сўровномада Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний маданият” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг 10 нафари қатнашди. Бу сўровномада Баскетболмусобақа қоидалари ва баскетбол ўйини тарихига оид 10 та савол ўртага ташланиб муҳокама қилинди.

Анкета сўравномаси бўйича маълумотлар

1-жадвал

№	Савол	Ха	Йўқ
11	Баскетбол ўйинида тўп саватга тушса майдон марказидан бошланадими?	20%	80%
22	Баскетбол ўйинида майдон марказидан ўтгандан кейин тўпни орқага узатиш мумкинми?	10%	90%
33	Баскетбол спорт турини дастлабки тайёрлов гуруҳига ўқувчиларни 9-10 ёшдан танлаш мақсадга мувофиқми?	80%	20%
44	Баскетбол спорт турига ўқувчиларни танлаб олганда тана узунлигини (140-145 см) инобатга олиш керакми?	80%	20%
55	Баскетбол ўйини олимпияда ўйинларига 1932 йилда киритилганми?	20%	80%
66	Тўпни эгаллаб турган ўйинчи, уч сония ичида тўпни узатмаса, саватга ташламаса, ёки олиб юрмаса, қоида бузилиши қайд қилинадими? (5 сек).	20%	80%
77	Ўйинчи ўзининг зонасидан тўпни ўзи ёки жамоаси беш сония ичида тўпни олд зонасига албатта ўтказиши керак ?	30%	70%

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1243-1247

	(8 сек)		
88	Агар ўйинчи майдонда тўп устидан назорат ўрнатса, унинг жамоаси 20 сония ичида сават томон тўп ташлаши керакми? (24 сек)	10%	90%
99	Баскетбол ўйини Ўзбекистонда 1920 йилдан ўйнала бошлаганми?	100 %	0%
110	Баскетбол шити 110 см майдон ичкарисига кириб турадими?	10%	90%

Ўтказилган анкета сўровномаси шуни кўрсатадики, Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний маданият” кафедраси профессор-ўқитувчилари 1-саволга 2 нафар профессор-ўқитувчилар (20%) ҳа, 8 нафар профессор-ўқитувчилар (80%) йўқ дея жавоб беришди. 2-саволга эса 1 нафар профессор-ўқитувчи (10%) ҳа, 9 нафар профессор-ўқитувчилар (90%) эса йўқ дея жавоб бердилар. 3-саволга 8 нафар профессор-ўқитувчилар (80%) ҳа, 2 нафар профессор-ўқитувчилар (20%) эса йўқ жавобини беришди. 4-саволга 8 нафар профессор-ўқитувчилар (80%) ҳа, 2 нафар профессор-ўқитувчилар (20%) эса йўқ жавобини беришди. 5-саволга 2 нафар профессор-ўқитувчилар (20%) ҳа, 8 нафар профессор-ўқитувчилар (80%) йўқ дея жавобини беришди. 6-саволга 2 нафар профессор-ўқитувчилар (20%) ҳа, 8 нафар профессор-ўқитувчилар (80%) йўқ дея жавобини беришди. 7-саволга 2 нафар профессор-ўқитувчилар (20%) ҳа, 8 нафар профессор-ўқитувчилар (80%) йўқ дея жавобини беришди. 8-саволга 1 нафар профессор-ўқитувчи (10%) ҳа, 9 нафар профессор-ўқитувчилар (90%) эса йўқ дея жавоб бердилар. 9-саволга 10 нафар профессор-ўқитувчи (100%) ҳа дея жавоб бердилар. Охирги 10-саволга 1 нафар профессор-ўқитувчи (10%) ҳа, 9 нафар профессор-ўқитувчилар (90%) эса йўқ дея жавоб беришди.

Анкета сўравномаси натижалари

2-жадвал

Савол	Тўғри жавоб		Нотўғри жавоб	
	сони	Фоизи %	сони	Фоизи %
Биринчи савол	8	80%	2	20%
Иккинчи савол	9	90%	1	10%
Учинчи савол	8	80%	2	20%
Тўртинчи савол	8	80%	2	20%
Бешинчи савол	8	80%	2	20%

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1243-1247

Олтинчи савол	8	80%	2	20%
Еттинчи савол	8	80%	2	20%
Саккизинчи савол	9	90%	1	10%
Тўққизинчи савол	10	100%	-	-
Ўнинчи савол	9	90%	1	10%
Жами	10	85%	10	15%

Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний маданият” кафедраси профессор-ўқитувчилари баскетбол мусобақа қоидалари ва баскетбол ўйини тарихи бўйича берилган 10 та саволларга 85% тўғри, 15% нотўғри жавоб беришган. Баскетбол мусобақа қоидалари ва баскетбол ўйини тарихи юзасидан “Жисмоний маданият” кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан берилган нотўғри жавоблар таҳлил қилиниб профессор-ўқитувчиларга тўғри жавоблар маълумот сифатида тушунтирилди.

ХУЛОСА

Олий таълим муассасаларида фақат мутахассислик дарсларини олиб бориш билан чикланиб қолмасдан, спорт ўйинлари, Баскетбол бўйича олий ўқув юртлари ўртасида ўртоқлик ва расмий мусобақаларни ташкил этиш, талабаларга спорт ўйинлари, Баскетбол мусобақа қоидаларини мунтазам ўргатиб бориш ва мусобақаларда ҳакамлик қилишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Талабаларни гуруҳлар, факультетлар ўртасида бўладиган мусобақаларда ҳақамлик қилишга ўргатиш, талабаларда спорт турларига ва мусобақа қоидаларига қизиқишни оширади.

REFERENCES

1. А.А.Пулатов, Ф.В.Ганиева, Б.М.Мирадилов, Д.Т.Хусанова, Ф.А.Пулатов. Баскетбол назарияси ва услубияти: Дарслик: -Т.: “Сано-стандарт” нашриёти, 2017-йил. - 348 бет
2. Султонов, А. И. (2020). Курашимиз тарихи ва бугунги равнақи. Муғаллим, № 4-2, 153-156.
3. Султонов, А. И. (2021). Значение кластерного метода в развитии физичес кой культуры детей школьного возраста. Халқ таълими, №5 махсус сон, 118-120.
4. Султонов, А. И. (2021). Белбоғли кураш қоидаларининг хусусиятлари. Халқ таълими, №5 махсус сон, 60-62.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1243-1247

5. Султонов, А. И. (2020). Вариативность физической подготовки дзюдоистов на этапе углубленной специализации. Вестник науки и образования , №10 (88), 82-85.
6. Султонов, А. И. (2020). Bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarida kasbiy-madaniy munosabatlarni shakllantirish (kurash misolida). Maktab va hayot, №3, 20-23.
7. Султонов, А. И. (2019). Адаптация борцов к соревновательной нагрузке. Проблемы педагогики, №1(40), 56-57.
8. Хабибуллаев, С. Х. (2020/10). Футбол бўйича йиллик ва ойлик ўқув машғулотлар иш режасини тузишнинг самарали усули. Academic research in educational sciences (ares), volume 1, issue 2, 325-332.
9. Хабибуллаев, С. Х. (2020/11). Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Academic research in educational sciences (ares), volume 1, issue 3, 1150-1156.
10. С.Х.Хабибуллаев, Т.У. Зуфаров Профилактика заболеваний средствами физической-ACADEMIC RESEARCH in EDUCATIONAL SCIENCES №.1. 2020 2-октябрь 315-324.
11. Хабибуллаев, С. Х. (2021/05). Қўл тўпи бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қоидаларининг аҳамияти. Academic research in educational sciences (ares), volume 2, issue 5, 1551-1554.